

айниқса туёқ касаликларини кам бўлиши ҳамда бузоқхоналар ҳавосида шартли микроорғанизмларни кескин камайиб кетиши яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга, бузоқхоналар ичида гигиена шароитлари яхшиланди. Тадқиқот ишлари учун ажратилган 40 бош соғим сигирларда ҳам паралел равишда олиб борилди (20 бош тажрибадагилар полимербетон полда ва 20 бош эса бетон полда сақланди). Полнинг иссиқлик - техникавий сифатига кўра сигирхона ичидаги микроклим кўрсаткичлари сигирлар учун нормаллашгани, махсулдорликнинг кўпайишига асосий сабаб бўлди.

Хулоса. Кейинги йилларда чорвачилик бинолари учун ишлатиладиган полларнинг иссиқлик - техникавий сифатларини яхшиладиган оддий ва арзон материалларни излаш буйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда 200 га яқин полемер материаллар чорвачиликда ишлатилиб келинмоқда. Полимербетон аралашмасидан тайёрланган поллар куз ва қиш фаслларида 17- 20% иссиқликни узида сақлайди.

Пол орқали ҳайвонлар юқотадиган иссиқлик миқдори полнинг конструкциясига ҳамда ишлатиладиган тушама материаллар турига боғлиқ.

Кейинги 15 йил мобайнида республикада Навоий, Қашқадарё, Самарканд, Тошкент вилоятларини чорвачилик фермаларида керамзитоплимербетон полни ёш бузоқлар ва соғим сигирларни сут - гўшт махсулдорлигига, клиник физиологик ҳолатининг узгаришлари ўрганилиб келинмоқда.

Керамзитоплимербетон пол бошқа полларга нисбатан сифатли, арзон, енгил, сийдик, шалтоқ ва дезинфекцион моддаларга чидамли, жуда қулай материаллиги аниқланди. Керамзитоплимербетон пол қиш ва куз фаслларида иссиқ бўлади, ҳайвонларни қаттиқ совиб кетишдан сақлайди, яхши ювилади, сирти текис сирпанчик эмас, бино ичида керокли зоогигиена шароитини вужудга келтириш имконини беради. Намиқиш, чириш, ёниш, ювилишга ниҳоятда чидамли, сийдик ва гунг ва ҳоказолар тасирида химиявий коррозияга учрамайди. Бу полни ҳозирги бозор шароитида барча чорвачилик фермер хўжаликлари тавсия қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рузиев Ш. М. Белкин Б. Л. Гигиена содержания крупного рогатого скота в зоне жаркого климата ж-л Ветеринария М. 1982 г. №-6, С-21-22
2. Хакимов У. Т. Влияние температуры воздуха на состояние телят и коров. «Узбекистан кишлак хужалиги» журнали Тошкент. 2003 г. №-3, С-26
3. Кузнецов А. Ф. Баланин В. И. Справочник по ветеринарной гигиене. Москва. Колос 1984 г.
4. Турдиев А. К. Экологическое оценка Полимербетонного пола Республика Илмий-амалий конференцияси. Карши 2002 й.

ОТЛАРНИНГ ЭХИНОКОККОЗИ ТЎҒРИСИДА

Ш.М.Аминжонов (Узбекистан ветеринария илмий-тадқиқот институту)

Аннотация. Ушбу мақолада отларнинг эхинококкози тугрисида қисқача маълумлар келтирилган. Жумладан, касаллик Буюк Британияда кенг тарқалган бўлиб, 1975 йилда 54.0 фоизга, 1979-41.0 фоизга, ва 1980 йилда 48.6 фоизга қайд қилинган. Отларнинг эхинококкози Англиядач таишлари Португалияда, Швейцарияда, Ирландияда, Финляндияда, кузатганлар. Касаллик асосан Англиядан сотиб олинган отлар фасида учрайди. Айрим тадқиқотчилар ушбу касалликни бошица давлатларда, жумладан, Қрзоқистонда, Молдова ва Узбекистонда учраганлиги тугрисида маълумотлар келтирилган. Бизлар 40 йил давомида олиб борилган тадқиқотларимизда отлар орасида эхинококкоз касаллиги борлигини кузатилмадик.

Калит сўзлар. Эхинококкоз, протосколекс, тухум, личинка, от, кўй, фертил

Кириш. Хориж адабиётларини таҳлил қилганимизда отлар *Echinococcus granulosus*, Batscb (1786) учун оралик хўжайин хисобланади. Уларнинг организмида паразитнинг ларвоцистлари ривожланади, камол топади.

Бу тугрисида биринчи маълумотни собиқ Россия давлатида Г.И.Гурин (1990) томонидан келтирилган. Кейинги маълумот 1927 йилда Англиядақайд қилинган.

Қазоғистонда отларнинг эхинококкози биринчилардан бўлиб П.П.Вибе (1961) ва В.Т.Рамазонов (1988)лар кузатганлар. Ушбу Республикада кейинги кузатишларда С.А.Кенжебаев (1987), М.Ш.Шальменов, Р.С.Кармалиев (1999), отларда эхинококкоз аниқламанганлар. Улар кўйлардан олинган эхинококк протосколекслари билан итларни зарарлантириб олинган паразитларнинг тухумларини отларда экспериментал ейдирилганда ҳам улар касалликга чалинмаган. С.Ордабеков ва бошқаларни (2000) фикрича Қазоғистонда отларнинг эхинококкози эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамиятга молик эмас.

А.С.Бессонов (2007) ни келтирилган далелларига кўра Собик Иттифокида 3-20 ёшда бўлган 4009 бош отларни текширилганда эхинококкоз аниқламаган.

Қирғизистонда М.Толобаев (1997), ҳам отларда эхинококкоз касаллигининг кузатилмаганли туғрисида маълумотлар келтирилган.

Н.М.Матчонов А.Т.Сағиева, В.М.Содиқов (1977) лар ҳам Тошкент вилоятида отларда эхинококкоз кузатилмаганлар.

Шунга қарамадан, айрим минтақа ва давлатларда отларда эхинококкоз борлиги кузатилган. Жумладан, Л.Ф.Бондарь (1992), Молдова Республикасида текширилган отлардан 28.9 фоизи эхинококкозга чалинган. Р.Э.Бекиров (1988) ни таъкидлашича, Ўзбекистонда 15 йил давомида 1258 бош отларни эхинококкозга текширилганда 284-гаси зарарланган бўлиб 22.6 фоизни ташкил қилган. Уларда 6.27 фоизи фертил ларвоцистлар бўлиб, катталиги 2.8-7.6 см, таркиби тиниқ сув ва кўп микдорда протосколекслардан иборат.

Чет давлатлардан отларда эхинококкоз касаллиги асосан Буюк Британияда кузатганлар. Жумладан, 1962 йилда 6.8 фоизни, 1963-12.8 фоизни, 1973-61.7 фоизни ташкил қилган. Кейинги йилларда инвазиянинг экстенсивлиги кўпайганлиги қайд қилинган ва у 1975 йилда 54.0 фоизга, 1979-41.0 фоизга ва 1980 йилда 48.6 фоизга тенг бўлган. Англияни Бристол шаҳрида текширилган 1141 бош отлардан 48.6 фоизи эхинококкозга чалинганлиги кузатилган. L.Grenley ва бошқаларни (1982), келтирилган далеллари бўйича эхинококкоз кўпроқ ишчи ва спорт ўйинларда фойдаланадиган отларда учрайди. Аниқланган ларвоцистларни 9.1 фоизи фертил пуфакларни ташкил қилган H.G.Coles ва бошқалар (2002), отларни 924 дона жигарларини кузатилганда 17.2 фоизи эхинококкоз билан зарарланганлиги аниқланган.

Отларда учрайдиган эхинококкознинг чақирувчиси *E. granulosus equinus* ҳисобланади. Паразит чун оралик хўжайин асосан отлар бўлиб, бу штамм эшакларда ҳам кузатиш мумкин. Дефинитив хўжайин кўпинча итлар ҳисобланади.

Р.С. А. Thompson (1987) ни таъкидлашича тулкиларни отлардан олинган *E. granulosus* протосколекслари билан зарарлантирилганда касалликга чалинмаган. Аммо кўйлардан олинган паразитнинг протосколекслари билан тулкилар зарарланди. Муаллифнинг далеллини D.P. McManus, D.Smyth ва С.М.һ. Macpherson (1995)лар бундан икки йил олдин ўз тажрибаларида кузатган эдилар. Уларни фикрича Англияда сариқ рангли тулкилар эхинококкларнинг кўй-ит циклида муҳим роль ўйнайди.

Л.М.Кумаратилке, Р.С.А. Thompson (1986), турли мамлакатларда отларда тарқалган *E. granulosus equinus* протосколексларни текширилганда морфологик белгилари бир бирига • хшашлигини кузатганлар. Муаллифларни ахборотига кўра отларда кузатилган эхинококк протосколексларининг морфологик белгилари, жумладан, протосколексларининг Хартум илмоқларини катталиги, ўрғочи тухумдоннинг шакли, эркак тухумдонларининг тақсимланиши ва циррусини бўлакча тузилиши бошқа ҳайвонларда учрайдиган *E. granulosus* протосколексларидан фарқ қилишда етарлича асос борлигини исботганлар.

Отларнинг эхинококкози Англиядан ташқари бошқа давлатларида аниқланганлиги туғрисида чаълумотлар ҳам мавжуд. Жумладан; L.D.Ferreira (1993), Португалияда текширилган отлардан 7 эошида, J.Eckert (1970)ни ахборотига кўра Швейцарияда 0.27 фоиз отларда эхинококкоз кузатилади. Ирландияда С.Hatch (1975)нинг далели бўйича 20.0 фоиз отларда эхинококкоз учрайди. Швеция ва Финляндия мамлакатларида асосан Англиядан келтирилган отларда эхинококкоз аниқланган 'O.Roneus, 1975; J.Lunden ва бошқалар 1995).

Ундан ташқари, отларда эхинококкоз кўпроқ Алжирда кузатилган. Жумладан, Н.Бен.хабилес ва ишқал ар (1982), Алжирда отларни 3.6 фоизга зарарланлигида гувоҳлик берган бўлса, Z.Zahor ва эошқалар (1986) эса ушбу давлатда отларни эхинококкозга чалинганлиги 14.8 ва 17.6 фоиздан кам эмаслигига ахборот қолдирилган.

Отларда эхинококкоз учраганлигига туғрисида аниқ далеллар борлигига қарамадан, айрим олимлар, жумладан, А.Д.Белинский (1925) таъкидлайдики отларни организмда эхинококкларни ривожланишида шароит етарлича эмас, ларвоцистлар катталашмайди ёки равожлаганда ҳам пуфаклар

протосколектларсиз ва эрта ривожланаётган ларвоцистларга кўпинча морфологик ўзгаришлар содир бўлади.

R.C.A.Thompson (1976) ахборотига кўра отларни *E.granulosus equinus* монгол кум сичқонларни организмда юборилганда ривожланди ва 345 кунда сичқонларда иккиламчи ларвоцистлари ҳосил бўлди. АММО кўён, калламуш, тилло оғмахон, денгиз чўққаси ва чўлсичқонларида отларни *E. granulosus equinus* протосколектларини юборилганда улар зарарланмади. *E.granulosus equinus* билан одамлар ҳам зарарланади деб M.Z. Clarkson (1981) таъкидлайди. .

Abo-Shehada (1988) Иорданияда *E.granulosus* от штамми эшаклар орасида кенг тарқалганлигига ахборот берган. Текширувдан ўтказилган 122 бош эшаклардан 17.2 фоизи зарарланган бўлиб, улардан 47.6 фоизи фертил ларвоцистларни ташкил этган.

Отларда учрайдиган *E. granulosus equinus* ва кўйларда тарқалган *E. granulosus* билан таққозлаганда уларнинг имагиналли шакли *in vitro* да ривожланиши турлича намоён бўлган, яъне кўйларники тез ривожланди ва бугимлар тезда пайдо бўлди, отларники эса бир неча ой давомида ҳам ўзгармаганлиги ва бугимлар ажратилмаганлиги J.D. Smyth (1975) кузатган.

JBowles (1984) *E.granulosus equinus* Австралияда кўйларда кенг тарқалган *E.granulosus* протосколектларнинг хартум илмоқларини, бурса ва циррусларини узунлигининг кўрсаткичлари билан қиёсий текширилганда маълум тафовутлар кузатилди. Муаллифни аниқланган белгиларини R.J.Williams ва G.K.S.Wetman (1963) ҳам бундан йигирма йил олдин кузатганлар эди. Муаллифларни фикрича отларни *E.granulosus* Янги Зеландияда деярли учрамайди ва бу штамм одам, кўй ва бошқа оралик хўжайнлар учун хавф туғдирмайди.

Илмий изланишлар Республикани турли қўшхоналарда ва Ташкент шаҳрини мол сўядиган шохобларида ўтказилди. Жами бўлиб 500 бош турли ёшдаги отлар текшириди. Отларда ички паренхиматоз органлари назоратдан ўтказилди. Назоратдан ўтказилган отларни жинсига, ёшига эътибор берилди. Кўзатилган отлардан 281 боши 12-14 ёшда, 102 боши 10-12, қолганлари эса 10 ёшгача бўлганлар эди. Отлар ҳар тамонлама текширилганлигига қарамадан эхинококкоктлар қузатилмади.

Хулоса. Отларда эхинококкоз табиий ҳолатда учрайди, аммо бунга ҳақиқий статус бериш учун экспериментал тажрибалар ўтказиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бекиров Р.Э 1988. К морфологии и биологии эхинококка лошадей в Узбекистане. Мат.Всесоюз.конф.по паразитол. :Возбуд. и переносчики паразитозов и меры борьбы с ними.стр.34.
2. Бессонов А.С. 2007. Цистный эхинококкоз и гидатидоз. Моногр.с.63-81.
3. Бондарь Л.Ф. 1992. Эхинококкоз животных в Республике Молдова. Автореф.дисс.канд.вет.наук., Кишинёв. 24 с.
4. Бенхабилес Н и др. 1982. Мед.паразит. и паразит. Болезни,№4, с. 10-14.
5. Белинский А.Д. 1925. Эхинококкоз у домашних животных. Ростов, 46 с.
6. Гурин Г.И. 1902. Эхинококковая болезнь у животных. Архив вет.наук, с. 492.
7. Вибе П.П. 1961. Пораженность убойных животных Семипалатинского мясокомбината ларвальными цестодами. Труды.Казах.нучн.исследов.ветер.ин-та, Т.10, с. 649-674.
8. Рамазанов В.Т. 1988. Эхинококкоз и альвеококкоз животных и меры борьбы с ними в Казахстане. Атореф.дисс.канд.вет.наук., М.41 с.
9. Шальменов М.Ш.,Кармалиев Р.С. 1999. Эхинококкоз сельскохозяйственных животных в Западно-Казахстанской области. Сборн.научн.труд. КазахНИВИ,с. 252-261.
10. Голобаев М.,1997. Основные гельминтозы лошадей юга Кыргызской Республики и меры борьбы с ним. Автореф.дисс.канд.вет.наук, 18с.
- И. GrenleyJ. 1982., Veter.J., 14,№2, 153-157
12. McManus D.P. et al 1985.Terre vil.,40,№2, 217-223.
13. Thompson R.C.A. 1987. The 13-th Conf of the WAAVP, Aug. 7-11, Berlin, CDR, Progr. And Abstracts, S2-2.
14. Kumaratikake L.M., Thompson R.C.A 1986. Item J. Parasitol.1 6,Ks>5,529-540
15. Ferreira N.L.R.P. The16th Int.Congr.of Hydatidol, Beijing.oct. 12-16,Abstracts, Beijing, Chuna,133-134
16. Eckert J.1970.Schweiz.Arch.Tierheilk.1 12,№9,443
17. Hatch C.1975. Irisch vet.j.,29,№10,155-157.
18. Romens O.,1975.,Nord. Veterinarmed.,27,№1,49-55.